КУТУБХОНАСИ

2009 ЙИЛ, 21 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 79 (11.390) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

***Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари кенг авж олган, ободонлаштириш юмушларига катта эътибор қаратилаётган бугунги кунда замонавий қурилиш ашёларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Бино ва иншоотларнинг чиройи ҳамда мустаҳкамлигини таъминловчи, йўл ва майдонлар кўркини оширувчи ана шундай зарур ва сифатли материалларнинг ўзимизда тайёрланаётгани, айниқса эътиборлидир.***







### Қисқа сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Ногиронлар жамияти Марказий бошқарувининг конференциясида жамият томонидан меҳрга муҳтож инсонларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида шу кунгача бажарилган ишлар ва келгуси режалар муҳокама қилинди.

● **ТОШКЕНТ** темирйўл муҳандислари институтида ўқитувчилар, талабалар иштирокида уюштирилган фестиваль «Талабалик баҳори» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Вестминстр университетида «Савдо ва ривожланиш: Осиё минтақаси салоҳиятлари» мавзуида ўтказилган семинарда ўқитувчилар, талабалар иштирок этишди.

● **«ТОШКЕНТ** трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятида мутахассислар иштирокида ўтказилган тадбирда соҳани янада ривожлантириш мақсадида қишлоқ хўжалиги машиналарининг янги турларини яратиш устида иш олиб борилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

● **УЧТЕПА** туманидаги «Ўриктзор» маҳалласида экология ва атроф-муҳитни асрашнинг аҳамиятига бағишлаб маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган тадбир Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Учтепа туман Санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги 192-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб «Шу азиз Ватан — барчамизники» мавзуида ўтказилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Миллий тикланиш демократик партияси Шайхонтоҳур туман Кенгаши ҳамкорлигида уюштирилди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

*Кичик бизнес*

## МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари томонидан бозорни ўрганиш асосида импорт ўрнини босувчи хилма-хил қурилиш, пардозлаш ашёлари тайёрланмоқда, уларнинг турлари эса замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш натижасида ортиб бормоқда. Бундай материаллардан бунёдкорлар, йўлсозлар, ободонлаштириш ходимлари унумли фойдаланишмоқда, пойтахтимиз кўрку чиройини оширишмоқда.

«TROTUAR» масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига эндигина бир йил бўлсада, уларнинг маҳсулотларига буюртмалар кун сайин ортиб бормоқда.

— Бунинг асосий боиси, — дейди корхонанинг тижорат директори Ғайрат Қосимов, — маҳсулотларимиз сифатига ва мустаҳкамлигига, Европа стандартлари талабларига жавоб беришига қаратилган эътибордир. Ишлаб чиқариш цехимизга Россия технологик линиялари ўрнатилган бўлиб, Европанинг «Вибропресс» технологияси асосида йўл, йўлак ва майдонларга мўлжалланган «тротуар» плиталарини ишлаб чиқарамиз. Ушбу плиталарнинг ўзига хос хусусияти ҳақида тўхталиш жоиз бўлса, улар совуққа чидамли, сочилмайди ва дарз кетмайди. Шу боис ҳам буюртмачи талабини қондиради ва узоқ муддат хизмат қилади.

Ҳозирда корхонада меҳнат қилаётган 10 нафар малакали ишчи- мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари самара бериб, тротуар плиталарининг 8 тури тайёрланмоқда. Маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилаётган мазкур маҳсулот буюртма асосида кўплаб қурилиш ташкилотлари ҳамда ободонлаштириш бошқармаларига етказиб берилмоқда. Тадбиркорлар буюртмаларни тез ва сифатли бажаришга эришишмоқда. Улар кунига 360 метр квадрат маҳсулот тайёрлашмоқда.

Пойтахтимизнинг 2200 йиллиги нишонланиши муносабати билан шаҳримизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик ҳамда ободончилик ишлари авж олган айни кунларда тадбиркор жамоа аҳли шодиёнага муносиб ҳисса қўшиш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, янги маҳсулот турларини яратишга интилмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона маҳсулотлари сифати ва мустаҳкамлиги билан афзалдир.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## ИҚТИСОДИЁТДА МАМЛАКАТ ҒУРУРЛАНСА АРЗИЙДИГАН УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАР

***Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли янги асари ҳақида чет эл ҳукумат, ижтимоий ва эксперт доиралари вакилларининг таассуротлари битилган мактублар келиши давом этмоқда.***

**Италиянинг Гроссето (Тоскана маъмурий бўлинмасига қарашли) шаҳри ҳокими Эмилио Бонифаци** ўз мулоҳазаларини шундай ифодалайди: «Ўзбекистон Президентининг асарида мамлакатдаги иқтисодий вазият, глобал иқтисодий инқироз дунёнинг бирон бир давлатини четлаб ўтмаётган даврда мамлакатни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлини топиш борасида ҳукумат олдида турган кўплаб вазифалар аниқ ва равшан баён этилади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда қисқа муддатларда амалга оширилиши мўлжалланган инқироз оқибатларига таъсир кўрсатувчи амалий ташаббусларни таклиф этмоқда. Ўзбекистон Президентининг хулоса ва таклифлари бошқа минтақаларда жойлашган мамлакатларда ҳам муваффақият қозониши мумкин.

Президент Ислом Каримовнинг асарини мутолаа қилар экансиз, жаҳон молиявий инқирози билан боғлиқ муаммолар, хусусан, глобал инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий таъсирини камайтириш мумкин бўлган йўлларни излаш масалалари нақадар теран таҳлил қилинганидан ҳайратга тушасиз. Дунёдаги аксарият ҳукуматларнинг кун тартибига эндигина киритилган, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ҳақидаги мавзу Президент китобида кенг муҳокама қилинади ва муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик фаолияти учун кўмак бериш, кредитларни қўллаб-қувватлаш ва давлат томонидан олиб борилган самарали сиёсат Ўзбекистон шароитида молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсирини камайтириш борасида танланган йўлнинг тўғри эканлигини кўрсатади».

**Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари институти (Исроил) директори Александр Цинкер**нинг фикрига кўра, Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки бутун Осиё маконида тобора муҳим ўринни эгаллаб келмоқда. Унинг дунёдаги барча мамлакатлар билан амалий асосда ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги сиёсати ўзининг ҳосилини бермоқда. Эришилган улкан иқтисодий ютуқлар халқнинг фахрланиши учун етарли асос бўла олади. Муҳими, иқтисодий барқарорликнинг ўсишига ҳеч қандай хом ашё заҳираларисиз, саноат тармоқларида босқичма-босқич инновацион технологияларга ўтиш натижасида эришилмоқда.

Бугун бутун ер шарини молиявий-иқтисодий инқироз қамраб олган бир шароитда мамлакатнинг ушбу бўҳрон салбий оқибатларига дош бера олишга қодирлиги айниқса муҳим саналади.

Ўзбекистон Президентининг китобида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаблари ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири таҳлил қилинади. Мамлакат томонидан 2008 йилда эришилган юқори иқтисодий кўрсаткичларга қарамасдан, Президент Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий маконнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланиши ва айни пайтда дунёни чулғаб олган муаммодан четда туриб бўлмаслигини таъкидлайди. Бироқ мамлакат вазиятнинг ана шундай тус олишига тайёр турган эди. Дунё иқтисодиётида инқирознинг бошланғич кўринишлари сезила бошлаган вақтдаёқ 2009-2012 йилларга мўлжалланган комплекс дастур ишлаб чиқилди.

Унинг моҳияти шундан иборатки, Ўзбекистон инқироздан қочиб қутулиши мумкин эмас, аммо шунга қарамасдан инқироздан мамлакатни янада ривожлантириш мақсадида фойдаланишга ҳаракат қилмоқ зарур. Президент Ислом Каримов томонидан танланган иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилган ҳолда тадрижий ривожланиши модели Ўзбекистонга инқирознинг салбий оқибатларидан сақланиб қолишга ёрдам берди. Ўзбекистонда давлат иқтисодий ислоҳотлар ва тезкор ривожланишнинг локомотиви ҳисобланади ва унга мураккаб вазифаларни ечиш чўт эмас.

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳамда «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунга биноан «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2007 йилдаги ижроси тўғрисида»ги ҳисоботи ва Давлат бюджетининг 2009 йилги лойиҳаси юзасидан хулосалари тақдим этилди.**

● **Самарқанд Давлат чет тиллари институтида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобининг мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган масалаларни ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

● **Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Мамлакатимиз парламенти палаталарининг тегишли қўмиталари, суд-ҳуқуқ идоралари масъуллари ва вазирликлар вакиллари, олимлар қатнашган анжуманда қишлоқни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш хусусида сўз борди.**

● **Маълумки, жорий йилнинг 5 мартида Сеулда Ўзбекистон-Корея авиакомпаниялари ўртасида иккита «A-300-600F» юк ташувчи самолётлари лизинги тўғрисидаги Келишув имзоланганди. Ҳаво кемаларини етказиб бериш режасига мувофиқ дастлабки «A-300-600F» русумли юк ташувчи самолёт кеча «Тошкент» халқаро аэропортига келиб қўнди.**

● **Кеча Тошкентда Корея маданияти фестивали доирасида Корея Республикаси кинофестивали бошланди.**

● **Республика Байналмилал маданият марказида улуғ аллома Маҳмуд Қошғарий ижодий меросига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда олимлар, ўқитувчилар, жамоат ташкилотлари ва юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.**

● **Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ижодий жамоалари ўртасида ўтказилаётган «Болалик баҳори» фестивалининг Жиззах вилоят босқичи якунланди.**

● **Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида «Она табиатни асрайлик!» шиори остида экофестивал бўлиб ўтди. Уни ўтказишдан асосий мақсад Тошкент вилоятидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчилар онгида экологик маданиятни шакллантириш, атмосфера ва атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, табиатга бўлган меҳр-муҳаббатни янада оширишдир.**

### ЖАҲОНДА

● **Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев расмий ташриф билан Финляндияга келди. Кеча Финляндия Президенти Тарья Халонен ҳамда Россия давлати раҳбари Дмитрий Медведев ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.**

● **Парагвай Президенти Ф. Луго мамлакат ҳукумати таркибига ўзгартиришлар киритди.**

● **Кеча жаҳондаги етакчи биржаларда ўтказилган савдоларда нефть нархининг бироз пасайгани кузатилди. Хусусан, Лондондаги савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 49,56 долларни ташкил этган бўлса, Нью-Йоркдаги савдоларда бу кўрсаткич 45,88 доллардан иборат бўлди.**

● **Кеча Флорида қирғоқларида анъанавий ҳарбий-денгиз машқлари бошланди. Унда АҚШ, Канада, Германия ва бошқа давлатлар ҳарбийлари қатнашмоқда.**

● **Шарқий ва Жанубий Африка умумий бозорига (ташкилот номи шундай) кирувчи мамлакатлар (Common Market for Eastern and Soutren Afrika —COMESA) жорий йилнинг 7-8 июнида Зимбабве пойтахти Харареда бўлиб ўтадиган саммитда Божхона иттифоқи тузиш ҳақида келишиб олдилар.**

● **Шимолий Американинг контейнер ташувчи «Мэрск Алабама» кемасининг капитанини қутқариш чоғида қўлга олинган сомалилик қароқчи АҚШда суд қилинади.**

● **19 апрелда Ямайка халқаро аэропортида Канада авиакомпаниясига қарашли «Боинг самолёти» номаълум шахс томонидан гаровга олинган эди. Қуролланган шахс самолёт салонида ўқ узган ва ҳаво кемаси экипажидан курсни Куба томон олишни талаб қилган. Кеча 169 нафар йўловчи гаровдан озод этилди. Маҳаллий полиция жиноятчининг 20 ёшлар атрофидаги руҳий касал йигит эканлигини аниқлади.**

● **Жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози туфайли ҳозирда Японияда юздан ортиқ завод ўз фаолиятини тўхтатган. Халқнинг харид қобилиятидан ортиқча товарларни ҳисобга олиб, корпорациялар ривожланаётган мамлакатлар бозорларидаги эҳтиёжни ўрганиб, товар ишлаб чиқариш масаласини кўриб чиқмоқда.**

№ 79 (21.04.2009)

*Экологик барқарорлик йўлида*

# «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ БОШЛАНДИ

***Атроф-муҳитнинг тозалиги, экологик барқарорлик албатта сиҳат-саломатлигимиз гаровидир. Қувонарли томони шундаки, шаҳримизда кейинги пайтларда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар албатта ўз самарасини бермоқда.***

Ҳозирда аҳоли фаровонлиги ошиб, азим пойтахтимизда автотранспорт воситаларининг сони салмоқли даражада кўпайди. Бу ўз навбатида атмосфера ҳавосининг машиналардан чиқадиган турли газлардан зарарланиши муаммосини келтириб чиқаради. Бу борада, яъни об-ҳавони автоуловлардан чиқадиган турли газлардан тозалаш бўйича режали тарзда амалга оширилаётган ишлар ўз натижаларини бермоқда. Қиёсий таҳлил фикримизни исботлаши мумкин. Чунончи, 1996 йилда чиқаётган газларнинг заҳарлилик даражаси меъёрдан юқори бўлган автомобиллар миқдори 25-27 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йилги «Тоза ҳаво» тадбирининг натижалари бундай транспорт воситаларининг миқдори 9 фоизга тушганини кўрсатди.

Автомашиналардан чиқаётган ифлослантирувчи газлар миқдорини камайтиришдек хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда 2009 йилнинг 10 апрелидан 10 майга қадар шаҳримизда «Тоза ҳаво» тадбирининг биринчи босқичи ўтказилмоқда. Ушбу тадбир бежиз ташкил этилаётгани йўқ. Зеро, ўтган ўн уч йил ичида шаҳримизда автомобиллар сони 3 баробар ошди. Ўз навбатида ишлатиладиган ёнилғи сарфи ҳам шунга яраша кўпайди. Бинобарин, бу атмосферага чиқадиган ифлослантирувчи моддаларнинг ортишига олиб келди.

Автоуловлардан чиқадиган тутун ва газларда инсон саломатлигига салбий таъсир этадиган 200 дан ортиқ зарарли моддалар мавжуд бўлиб, двигатель фаолиятининг носозлигида (ёнилғи аралашмасининг таркиби бузилиши, поршень гуруҳи, ёқиш тизимининг издан чиқишида) об-ҳавони ифлослантирувчи моддаларнинг кўпроқ чиқиши юзага келади.

Албатта, бундай салбий ҳолатларнинг юзага келмаслиги учун барча ҳайдовчиларнинг вазифаси ўз автомобилининг техник ҳолати устидан доимий назорат олиб бориш, яъни машиналарнинг зарарлилик даражасининг энг пастда бўлиши учун уни созлаб туришдир. Битта автомобилни бундай созлаш учун 10 дақиқа вақт талаб этилади — бу чиқиндилар миқдорининг ҳамда ёнилғи сарфининг камайиши демакдир. Бундай ҳолат ҳам ҳайдовчилар учун фойдали, ҳам атмосферанинг ифлосланиши пасаяди.

Автомобилни мақбул бошқариш режимлари: тез ҳайдаш, тормоз бериш, чорраҳалардан тўғри ҳисобни олмай ўтиш ҳам турли газлар чиқиши миқдорига таъсир кўрсатади.

Ҳайдовчилардан автомобиль атроф-муҳитни ифлослантиришнинг жиддий манбаими? деб сўралганда кўпчилиги йўқ дея жавоб беришади. Таъкидлаш керакки, автомобиллардан чиқадиган альдегидлар, қурум, азот оксиди ва бошқа 200 дан ортиқ зарарли моддалар «гулдастаси» ер устки қатламида (яъни кишилар нафас оладиган қатламда) тўпланган ҳолда ультрабинафша нурлар таъсирида фотокимёвий реакцияга киради ва янги, баъзан янада заҳарлироқ бирлашмаларни ташкил этувчи манбалар даражасига келади. Ушбу заҳарли бирлашмалар нафас йўллари, қон айланиш тизими ҳамда онкологик касалликларни келтириб чиқаради ва ўсиб келаётган ёш авлодга салбий таъсир кўрсатади.

Зарарлилик даражаси юқори бўлган 9 фоиз ишлатилаётган автомобиллар атмосфера ҳавоси ифлосланиши ва чиқинди газларни камайтириш учун кишини ўйлантирадиган яна бир муаммодир. Ҳурматли ҳайдовчилар, ушбу масалани мушоҳада қилиб кўринг, балки шунда Сиз атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи омилларнинг камайтирилиши масалаларида фаол ҳаракат қиларсиз. Зеро, бу масалалар халқимиз учун энг долзарб муаммолар сирасига киради. «Тоза ҳаво» ойлигида бу борада ҳамжиҳатлик билан жон куйдирайлик, азизлар.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

# ИҚТИСОДИЁТДА МАМЛАКАТ ҒУРУРЛАНСА АРЗИЙДИГАН УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАР

***(Давоми.Боши 1-бетда).***

Мамлакат олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг асосий омили бўҳроннинг биринчи тўлқинига йўқотишларсиз дош бера олган банк тизимини мустаҳкамлаш ҳисобланади. Ғарбдаги иқтисодий бошбошдоқликнинг сабаби айнан банк тизимига ишончсизликдир. Шу ўринда, Ўзбекистон Президенти иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилишига қарамай, инқироздан чиқишнинг йўлини бозор механизмларида, биринчи галда, кичик бизнес соҳасини жадал ривожлантиришда кўради. Бунинг учун ҳатто махсус банк ҳам ташкил этилди, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга эса зарур солиқ имтиёзлари берилди. Бу асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда асосий кучга айланган фермер хўжаликлари ва хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли. Фермерлик мамлакатда ўзининг кўпгина жиҳатлари, асосийси, қишлоқ жойларида бандлик муаммосини ҳал этишда ўз самарадорлигини исботлаган. Аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишда давлат қишлоқ жойларида кичик қайта ишлаш корхоналари барпо қилинишига турли йўллар билан ёрдам бермоқда.

Мамлакат ривожланишининг инновацион йўли юқори профессионаллик малакасига эга бўлган янги кадрлар тайёрлашни талаб қилади. Президент Ислом Каримов буни жуда яхши тушунади ҳамда давлат томонидан ёшларнинг таълим олиши ва ўрганиши учун салмоқли маблағ ажратишни таклиф қилади.

Энг муҳими эса, ўйлашимча, инқироз даврида амалий ишчанлик кайфияти зарур. Бу Ўзбекистон Президенти асарида тўла асосланган, рақамлар ва далилларга таянган ҳолда келтирилган.

Собиқ иттифоқ маконидаги янги мамлакатлар билан профессионал тарзда шуғулланиб келаётганим боис, мен Ўзбекистонда бир неча марта бўлганман, ушбу мамлакат ва унинг халқига ҳурматим баланд. Ислом Каримовнинг асари эса менга унинг бугуни ва аминманки, ёркин келажагига янада тўлиқроқ ва кўламлироқ назар ташлаш имконини берди».

**Туркиянинг «Башкент» телеканали** Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобига бағишланган махсус телекўрсатув тайёрлади.

Кўрсатув бошловчиси **Гази университети профессори Орхан Кавунчи**нинг таъкидлашига кўра, Ўзбекистон минтақанинг ҳақиқий тарихий ва маданий маркази ҳисобланади. Мамлакат раҳбариятининг буюк аждодлар тарихи ва хотирасига, урф-одатлар ва анъаналарни сақлашга нисбатан юксак эътибори Ўзбекистон халқининг руҳий қудрати, ижтимоий ўзини англаш ва собитқадамлигидан далолат беради. Бундай салоҳиятга эга бўлган мамлакат кундалик ҳаётда учрайдиган турли миқёсдаги ҳар қандай муаммо ва тўсиқларни енгишга қодир.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, Ўзбекистон Президентининг янги китобида жаҳон молия инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига ва энг аввало, мамлакат халқи фаровонлигига таъсирини камайтириш усуллари ёритилган.

— Ўзбекистон Президентининг асари – бу миллатга мурожаат, бу ўз халқига ишонч, бу шарқона донишмандликнинг намойиши. Китобда ёзилганидек, Ўзбекистон хом хаёлларга чалғимай, аввало иқтисодиётнинг реал секторига эътибор қаратиб, ишлаб чиқариш базасини кенгайтирди ва банк тизимини иқтисодиётнинг мавжуд шароитига мослаштирди Бу эса мамлакатнинг жаҳон инқирозини кам йўқотишлар билан бартараф этишига имкон яратади, — деди туркиялик эксперт.

Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги элчихонасида Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

**Украина миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгаши ҳузуридаги халқаро хавфсизлик муаммолари миллий институти директори, иқтисодиёт фанлари доктори А. Власюк**нинг фикрича, «Президент китобида айтилган, иқтисодий янгиланишларнинг илк даврида давлат бошқаруви усулидан зарур ҳолларда фойдаланиш бўйича Ўзбекистон йўналиши ўзининг оқилона ва диққатга сазовор эканлигини исботлади. Жаҳон инқирози авж олган пайтда Ўзбекистон раҳбарининг тутган йўли шуниси билан эътиборлики, мамлакат илгаридан четдан қарз олиш каби ўйланмаган ҳаракатлардан тийилди ва қисқа муддатли чайқовга асосланган кредитларни рад этиб, имтиёзли фоизларда узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилишга эътиборни кучайтирди».

А. Власюк асарда айтиб ўтилган экспортда тайёр рақобатдош маҳсулот ҳажмининг ўсишини таъминлашга ҳаракат қилиш, корхоналарни техникавий жиҳатдан модернизация қилишни инвестициялаш, янги иш ўринларни ташкил этиш, таълим соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш каби ишларни ҳар томонлама қутлаш зарурлигини таъкидлади.

**Украина Ташқи ишлар вазирлиги учинчи ҳудудий бошқармаси директори ўринбосари Н. Нагорний** жаҳон молиявий инқирознинг оқибатларини бартараф этиш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган чоралар ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлишда Президенти Ислом Каримовнинг китоби долзарб аҳамият касб этишини қайд этди.

У иқтисодиётни ислоҳ этишда давлатнинг ўрнини юқори баҳолаб, Украина шароитида Ўзбекистоннинг тажрибасини ўрганиш ва қўллаш мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Экспертнинг сўзларига кўра, энг эътиборлиси мамлакатнинг мавжуд молиявий ресурсларини саноатнинг муайян лойиҳаларига мақсадли ишлатилишидир.

**«Жаҳон» АА.**

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват, маънан юксак ва баркамол шахс этиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Лекин минг афсуски, баъзи ёшлар соғлом турмуш тарзига риоя қилмай, ичиш, чекиш сингари иллатларга ёшликдан ўрганиб, ўз саломатликларини йўқотмоқдалар. Соғлом турмуш — соғлом жамият эканлигини, соғлом оиладагина соғлом фарзандлар дунёга келишини тушуниб етмаяптилар.***

Мана шундай ўсмир ёшларнинг соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тушунчаларини бойитиш, аср вабоси бўлган гиёвандлик ҳамда ОИТС сингари касалликларнинг мудҳиш оқибатлари, шунингдек, ичиш, чекиш ва турли хил юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ҳақида уларга батафсил маълумотлар бериш мақсадида Собир Раҳимов туманидаги 28-мактабда «Соғлом турмуш тарзи нима?» мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан тумандаги 19-оилавий поликлиника ҳамда мазкур мактаб ҳамкорлигида ўтказилган тадбирга тумандаги 119, 159, 36 ва 28-мактабларнинг ҳамда 19-оилавий поликлиниканинг шифокор ва ҳамширалари ҳамда мактабнинг 9-синф ўқувчилари йиғилдилар.

Йиғилишда 28-мактаб директори Дилдора Арипова, 19-оилавий поликлиниканинг бош шифокори Дилдора Маматхонова, Собир Раҳимов туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош мутахассиси Арофат Турдиева сўзга чиқиб, соғлом турмуш тарзи нима, ўсмирларни диспансеризациядан ўтказиш, ёшларни оилага тайёрлаш, тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти, соғлом ота-онадан соғлом фарзандлар дунёга келиши, ҳар бир ёш ўз саломатлигига эътибор билан қараши, ОИТС ва гиёвандликнинг ёмон оқибатлари ҳақида ўқувчиларга батафсил тушунча бериб, бу каби зарарли иллатлардан йироқ бўлиш зарурлигини уқтириб ўтдилар. Шунингдек, ўз вақтида тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, тозалик ва озодалик саломатлик гарови эканлигини таъкидладилар.

Анжуман доирасида мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган ОИТС, гиёвандлик, сил, чекиш, камқонлик мавзуларидаги кўргазмалар йиғилганлар эътиборини тортди.Ўқувчилар ва ҳамширалар томонидан тайёрланган соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи саҳна кўринишлари, шеърий композициялар айниқса йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Қизғин савол-жавоблар билан ўтган анжуман якунида ўқувчиларга соғлом турмуш тарзига оид қўлланмалар тарқатилди.

**Дилором ИКРОМОВА**

***«Оқибат» ва «Уста Ширин» Юнусобод туманидаги қўшни маҳаллалар ҳисобланади. Ҳар иккала маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари Наврўзнинг энг тотли таоми — ҳалимни ҳамкорликда тайёрлаб байрам шодиёналарида маҳалладошларини хушнуд этишга қарор қилишди.***



# МАҲАЛЛАЛАРДА БАЙРАМ НАШИДАСИ

Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай садолари ва мумтоз наволар ҳар иккала маҳалла аҳлини «ХХХ» — яъни «Уч икс» тўйхонаси сари чорлади. Санъаткорлар ижросидаги миллий қўшиқлар даврага файз киритган бўлса, сумалак, кўк сомса сингари баҳорий таомлар байрам дастурхонини безади. Ёшланглар хизматдаю, кексалар иззатда бўлди. «Дуодан эл кўкарар», деганларидек, байрам тадбирининг кўнгилдагидек ўтишига ўз ҳиссасини қўшган саховатли ҳомийлар ҳақига дуолар қилинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА:** тадбирдан лавҳа

# «ШИВЛИ»ДА ШОДИЁНА

***Юнусобод туманида ўзи обод, аҳолиси аҳил ва ҳамжиҳатликда истиқомат қилувчи «Шивли» маҳалласи бор. Ушбу нисбатан кичик маҳаллада 3 минг 700 нафарга яқин киши истиқомат қилса-да, барча тадбирлар, байрамлар ушбу гўшада бамаслаҳат ва уюшқоқлик билан ўтказилади.***

Куни кеча маҳалланинг зиёлилар ҳудуди деб аталувчи қисмида яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўзи олам кенг нишонланди. Тадбирнинг файзли ва ўзига хос тарзда ўтишида энг кекса онахонлардан Фарида ая Қаюмова, шунингдек, Мунаввархон Аҳмедова, Манзура Воҳидова, Раънохон Содиқова, Шокир Охунбоев, Мавжуда Охунова, Райҳона Тўлаганова, Дилбар Турсуновалар катта ҳисса қўшиб, барча ташкилий ишларга бош-қош бўлишди.

Яхши ниятлар билан уюшқоқликда сумалак тайёрланди, дастурхондан кўк сомса, кўк чучвара каби Наврўзнинг тансиқ ва қувватбахш таомлари ўрин олди.

Рихситилла Рустамов бошчилигидаги санъаткорлар ўз шўх-шодон қўшиқлари билан даврага ўзгача файз киритишди.

Наврўз байрамининг ажойиб удумига кўра маҳалладаги 38 та кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди, 7 нафар ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ҚЎШИҚЛАР ТАНЛОВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Тошкентдаги Авиасозлар маданият саройида Ҳамза тумани халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактаблари жамоалари иштирокида «Тошкент ниҳоллари» кўрик-танловининг саралаш босқичи ўтказилди.***

Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий санъатга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўқувчи ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, асрий урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармаси томонидан пойтахтдаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган иқтидорли болалар ва ўсмирлар ўртасида қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш режалаштирилган. Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур кўрик-танловда айнан халқнинг, миллатнинг юрагига яқин бўлган қўшиқлар танлаб олинмоқда. Танловнинг дастлабки босқичи пойтахтдаги мавжуд барча умумтаълим мактаблари, меҳрибонлик уйлари ва мактаб интернатларида ўтказилган бўлса, унинг иккинчи босқичи туманлар миқёсида ташкиллаштирилмоқда. Хусусан, Ҳамза туманидаги 30 га яқин таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёш ижодкор, ҳаваскор тўгарак аъзолари ижросидаги мақом, фольклор, миллий ва замонавий рақс, шунингдек, халқ чолғу-асбобларидан таралган оҳанглар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Анжуманда сўзга чиққанлар бугун юртимизда ёш истеъдод соҳибларига кўрсатилаётган ғамхўрлик келажакда ўз мевасини беришини алоҳида таъкидлашди. Дарҳақиқат, юракка яқин бўлган қўшиқ ёки ижод маҳсули юртга ва халққа бўлган муҳаббат ҳисси билан чин дилдан ижро этилсагина кўнгиллардан мустаҳкам жой олади.

Танловнинг энг яхши ижрочилари деб топилган ёшларга жорий йилнинг 21 майида бўлиб ўтадиган шаҳар босқичига йўлланма берилди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

*Анжуманлар*

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

***Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони юртимизда демократик, ҳуқуқий, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.***

Ушбу Фармон ижроси йўлида жойларда конференция, анжуман ва учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Ушбу тадбирларда ички ишлар идоралари ходимларининг малакасини ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзусига бағишланган семинар-тренинглар ўтказиш, ҳужжатлар ва адабиётлар чоп этиш ҳамда ички ишлар идораларини бошқа давлат идоралари, судлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида ўтказилган тадбирда ҳам фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан мамлакатимизда олиб борилаётган кўп қиррали давлат сиёсатининг, суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислоҳотларнинг Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг янги босқичлари билан ўзаро уйғунлашиб кетганлиги ҳақида сўз борди.

— Маълумки, инсон эрки ва қадр-қиммати ҳамма нарсадан устун туради. Шу боис ҳам унинг топталишига йўл қўймаслик учун ҳар бир киши энг аввало ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмоғи лозим, — деди тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи Азиз Эрназаров. — Шунинг учун ҳам аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ички ишлар идоралари тизимида ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўз ўрнида инсон манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан мустаҳкам ҳимояланган. 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш умумжаҳон Декларацияси ҳам бунинг ёркин мисолидир.

Мазкур анжуманда ички ишлар идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда одам савдоси жиноятига қарши курашиш борасида олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги матбуот котиби Тўрабек Тўраев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) Тошкент шаҳар минтақавий вакили, эксперт кенгаши аъзоси Абдували Абдукаримов, «Истиқболли авлод» нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари Умида Каримова, Тошкент шаҳар ИИББ ХООБ бошлиғи Бахтиёр Эгамбердиев ва бошқа турли соҳа вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш, айниқса одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга барҳам беришга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланиб, бу борада фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ 2200 2009 ТОШКЕНТ

# ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!

***Мамлакатимизда азим шаҳримизнинг 2200 йиллик тўйини муносиб нишонлаш мақсадида олиб борилаётган тайёргарлик ишлари қизғин. Яратувчанликка йўғрилган бундай саъй-ҳаракатлар қаторида ушбу санага бағишланган тадбирлар кўлами ҳам кенгайиб бораётир. Шуни ҳам алоҳида эътироф этмоқ лозимки, ўтмиши мазмунли, келажаги порлоқ давлатимиз пойтахтининг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни мавзусидаги турли йўналишдаги тадбирлар кўплаб давлатларда ҳам ўтказилаётгани халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.***









## ТОШКЕНТ — ЁШ ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА

**Шунга ҳам эътибор қаратиш лозимки, бирон-бир тадбир ёшларимиз назаридан четда қолмаётир. Танловлар, кўргазмалар, концерт дастурлари, пойтахтимизнинг муборак қадамжоларига ташрифлар бўладими — ҳар бирида навқирон авлодимиз фаоллиги ўзгачадир.**

**Илгари хабар қилинганидек, «Оқшом» газеталари таҳририяти томонидан Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети раҳбарияти билан ҳамкорликда «Тошкент — ёш ижодкорлар нигоҳида» давра суҳбати уюштирилишига ҳам айнан шундай интилувчан ва ижодкор ёшларимиз ташаббуси туртки бўлди десак, муболаға бўлмайди. Кейинги пайтда мазкур ўқув юртларида ҳамда бошқа таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба-ёшлар ўзларининг илк ижод намуналарида кўпроқ Тошкент шаҳрини ёритишга ҳаракат қилаётганларини фақат қўллаб-қувватлаш даркор. Тадбир мавзуси ҳам шундан келиб чиқди: «Тошкент — ёш ижодкорлар нигоҳида». Ёш журналистларнинг азим шаҳримизнинг бугуни ва эртанги куни ҳақидаги тасаввурлари, мулоҳазали фикрлари, орзу-умидлари давра суҳбати давомида яна бир бор ўз аксини топди. Албатта, ҳар бир томоннинг ўзига яраша муаммолари ҳам кўтарилди. Шубҳасиз, буларнинг бари асосий мақсад — назария ва амалиётни янада жипслаштиришга, демак, таҳририят ва олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.**

**Шундай қилиб, сўзни давра суҳбати иштирокчиларига берамиз.**

**Қудрат ЭРНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети декани:**

— Амалиёт соҳиблари, ўз ишининг усталари билан ҳар қандай учрашув фақат фойда келтиради. Гувоҳи бўлганимиздек, талабаларимиз бундай мулоқотларда янада фаоллашиб, ўз касбларига бўлган қизиқишни намоён этишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 700 дан зиёд газета чоп этилади, лекин уларнинг саноқлиси худди «Оқшом» газеталари каби кундаликдир. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг бой тарихи, анъаналари бор. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, дунёда кечки шаҳар ёки пойтахт газеталари жуда оз.



Биз, яхши биламизки, айнан шу даргоҳда таниқли ёзувчи ва шоирлар, публицистлар Саъдулла Кароматов, Владимир Тюриков, Тўлқин Расулев, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Ўткир Ҳошимов ва Муҳаммад Али ўз ижодий фаолиятларини бошлашган. Шунинг ўзи ҳам бу нашрнинг алоҳида салоҳиятга эгалигидан далолатдир.

Таҳририят ва олий ўқув юрти, ҳусусан журналистика факультети ўртасидаги кўп йиллик ижодий ҳамкорлик ҳам ўз анъаналарига эга. Талабаларимиз бу ерда биринчи йил амалиёт ўтамаётирлар. Бундай учрашувлар эса, албатта, ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланишига, қолаверса, баъзи масалаларнинг ечими топилишига, жумладан, малакали кадрларни тайёрлаш борасида ҳам хизмат қилади.

Айтиб ўтиш лозимки, талабаларимиз орасида қалам тебратаётганлари кам эмас ва бу борада таҳририят уларнинг кўникмаларини чархлашга яхши имконият очиб бермоқда. Фурсат келганда, таҳририятдан илтимос қилмоқчиманки, амалиёт ўтаётган ёшларимизга фақат холисона баҳо беринг. Бу эса, ўз навбатида, биз учун ҳам келгусида талабаларимизнинг ютуғи ва камчилик томонларини ҳисобга олиб, ҳар бирига якка тартибда ёндошган ҳолда, нимага алоҳида эътибор қаратишимиз лозимлигини билишимизда муҳим аҳамият касб этади. Бу масалага урғу бераётганим бежиз эмас, чунки кейинги пайтда таҳририятлар амалиёт ўтаган ёшларимизнинг деярли ҳаммасига ижобий таъриф бермоқда. Ҳар қандай ҳамкорлик холисликка ва адолатга асосланиши керак.

Талабаларимизга тилагим – кўпроқ таҳририятларда бўлиб, тажриба орттиришга ҳаракат қилишсин. Ҳафта давомида газета чиқариш учун ҳар бир ходим доимий ҳаракатда бўлмоғи лозим. Шундай экан, «Оқшом» жамоаси алоҳида вақт ажратиб, ёшларимиз билан очиқ мулоқот уюштирганининг ўзи катта гап.

**Азиз НУРМАТОВ,**
**Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани:**

— Олий ўқув юртида талаба зарур билимнинг ўрта ҳисобда 20 фоизини ўзлаштириши мумкин. Фақат амалиёт уларга бор билимларини ҳам мустаҳкамлашга, ҳам «камомадни» тўлдиришга энг қулай имкониятдир.

Жаҳон тиллари университети ҳам «Оқшом» газеталари билан анча йиллардан бери дўстона ижодий алоқалар ўрнатган.

Ҳамма ўқитувчи-домлалар қаторида мен ҳам газета саҳифаларида талабаларимиз, битирувчиларимизнинг ижодини кўриб, ғурурланаман. Бу – меҳнатимиз зое кетмаганининг кўзгусидир.

Таҳририятлар томонидан талабалар иштирокида тадбирлар кўп уюштирилмасада, аммо, юқорида ҳамкасбим айтиб ўтганидек, бундай очиқ мулоқотлар ёшларнинг ўз кучига ишонч ҳосил қилишига яхши имкониятдир. Инсоннинг нафақат ўзига бўлган ишончни, балки ўзгаларнинг ҳам унга бўлган ишончини ҳис этиши ҳаётда муҳим омил ҳисобланади..

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ўқитувчиси, профессор:**

— Газета – бу тегирмон, қачонки доимо дон тушиб турса, шунда ўқувчига кунда янги-янги хабарларни етказиб туриш мумкин.

Мен ҳам ўқувчиларимнинг газета, телевидение, радио, агентликларда фаолият юритаётганидан қувонаман.

Бугунги кун журналистини тайёрлаш фақат бир томон, яъни ўқитувчиларнинг иши эмас. Қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, биз назарий билим берамиз, таҳририят амалиёт услубларига ўргатади. Бу ҳаммамизга яхши маълум ва ортиқча изоҳ талаб этмайдиган ҳақиқатдир.

Тўғри, ҳеч ким бирданига журналист ёки муҳаррир бўлиб қолмайди. Лекин бошида ёшларимизга ишонч сифатида ёки бевосита ёрдам зарур. Албатта, ўрганиш жараёни ҳар кимда ҳар хил кечади. Шу боис улар ҳам, агарда ҳақиқий журналист номини олишни ният қилсалар, бардошли бўлишга ҳаракат қилишларию, қийинчиликларни енгиб ўтиш кўникмасини орттиришлари лозим. Бу борада ҳар доим таҳририятга тез-тез боришлари, фақат журналистлар орасида бу соҳа нафасини ҳис этишлари мумкинлиги ҳақида такрор-такрор эслатаверамиз.

**Шавкат МИРОЛИМОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ўқитувчиси, доцент:**

— Ҳар бир тадбир кишиларни мулоқотга чорлайди, демак, бундай имконият қанча кўп бўлса, мақсадга ҳам шунчалик тез эришилади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, биринчи навбатда ёшларимиз бундай имкониятларни бой бермасликлари керак.

Суҳбатимиз аввалида «Оқшом» раҳбарияти томонидан мақсадга тўхталиб, ижодий жамоа сафини ёш кадрлар ҳисобига кенгайтирган ҳолда, таҳририятга келаётган ҳар бир талаба ва битирувчи журналистика йўлланмасини айнан шаҳар газеталаридан олиши ҳақида истак билдирилди. Шундай тилак ҳам бўлдики, агарда талаба-ёшларимиз таҳририят фаолиятининг ҳар бир жараёнида фаол қатнашиб турса, жамоа ҳам уларни доимо қўллаб-қувватлайди.

Бугунги талаба эртага албатта бир муҳим танловдан ўтиши — иш топиши эмас, балки ишда ўзини топиш танловини енгиб ўтиши лозим. «Оқшом» газеталари бу борада ҳеч ким бермаган имкониятни таклиф этмоқда. Лекин талабанинг ҳам таҳририятга ҳар келиши бесамар ўтмаслиги, доим ишга қўл уриб, журналистиканинг беҳисоб сир-асрорларини ўрганиши даркор. Яна бир бор қайтариб ўтмоқчиман: газета шундай имконият очиб бераётган экан, бундан фойдаланиб қолиш керак.

**Зебунисо НАЗИРОВА,**
**ЎзМУ журналистика факультетининг иккинчи курс талабаси:**

— Мен ҳали кўп нарсани тушунмаслигим мумкин, чунки энди касбим сир-асрорларини ўрганиб келаяпман. Лекин шуни яхши биламанки, келгусида албатта журналист бўламан.

Кўп газета ўқийман, жумладан «Тошкент оқшоми»ни ҳам. Бу нашр ахборотга бой ва шу билан бошқаларидан фарқ қилади.

Бугунги кунда биз маънавият ҳақида кўп гапирамиз. Инсонни маънавий бой қиладиган нарса нима, деган саволни ўзимга кўп бераман. Бу борада газета мен учун яхши манбадир. Албатта, газета ўқишнинг ўзи дунёқарашимизни кенгайтиради, онгимиздаги бўшлиқ ўрнини қоплайдиган самарали бир восита деса ҳам бўлади. Лекин агарда унинг саҳифаларида айниқса миллий қадриятларимиз кўпроқ ёритиб борилса, биз, ёшлар учун фақат фойда бўлар эди. Мен ҳали мустақил мақола ёзиб кўрмадим, лекин бу қанчалик машаққатли меҳнат эканлигини тушунаман. Ўйлайманки, менинг фикримни танқид эмас, таклиф деб қабул қиласиз.

**Алина ДАДАЕВА,**
**ЎзМУ журналистика факультетининг иккинчи курс талабаси:**

— Янги ғоялар ҳаммага ва ҳар доим керак. Яқин кунларда пойтахтимизда иккинчи маротаба инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар кўргазмаси иш бошлайди. Аслида бундай тадбирлар анча аввал ташкил этиб келиниши керак эди, чунки бугунги шиддатли давр айнан шундай ёндашувни тақозо этмоқда. Янги ғоялар йилда, ойда эмас, балки кунда-кунора, ҳар соатда пайдо бўлаётганига мисоллар келтириш мумкин.

Менга маълум бўлишича, «Оқшом» таҳририяти «очиқ эшик»лар кунини бошқа нашрлардан фарқли, тез-тез уюштириб туради. Устозларимиз, тажрибали журналистларнинг биз, ёшларга дўстона муносабатда бўлишлари, оталарча ғамхўрлик кўрсатишлари кимга ёқмайди, дейсиз! Лекин бундан тўғри хулоса чиқаришимиз керак. Учрашув давомида билдирилган хилма-хил фикрлар, таклифлар албатта, янги бир ғоя ёки лойиҳани келтириб чиқаради, деган умиддаман. Шундай бўлиши ҳам лозим, чунки вақти келиб, «Оқшом» нурларини биз ёшлар сочамиз.

Хуллас, таассуротларимиз кўп. Газетанинг чоп этилиш жараёни шунчалик қизиқарли эканлигини тасаввур ҳам қилмагандим. Қўлимга эндигина босмадан чиққан «иссиқ» «Оқшом»ни олганимда, ич-ичимдан қувондим. Ишонасизми, йўқми, мен ўқишни тугатиб, айнан шу газетада ишлайман деб, ўз олдимга мақсад қўйдим.

**Комила УСМОНОВА,**
**Тошкент Давлат санъат институтининг иккинчи курс талабаси:**

— Агарда устозларим қарши бўлмаса, ўзимни «Оқшом» жамоаси аъзоси деб ҳисоблаган бўлар эдим. Биринчи курсдан бошлаб «Вечерний Ташкент» газетасида мақолаларим билан қатнашиб келмоқдаман. Мени турли мавзуларни ёритишга йўналтиришмоқда ва ҳар бир топшириқни масъулият билан бажаришга ҳаракат қилаяпман.

Биз, ёшларда, ҳақиқатда ғоялар ҳам, орзулар ҳам кўп ва, албатта, уларнинг рўёбга чиқишини истар эдик. Бироқ бунинг учун интилиб, жон куйдириб ҳаракат қилмоқ керак. Кўп нарса ўзимизга боғлиқ. Ён-атрофдагилар сени тушунадиган инсонлар бўлса, қийинчиликлар сезилмайди.

«Оқшом»нинг қандайдир қудратли кучи мени ўзига тортади. Айниқса мақола ёзаётганимда, ана шу куч ҳисси менга тасалли бериб тургандай туюлади. Бўлажак ҳамкасбларимга шуни айтмоқчиманки, тортинчоқ бўлманг, биринчи курсданоқ ўхшамаса ҳам, чаққон-чаққон қалам тебратишга ҳаракат қилаверинг, ўшанда мақсадга эришасиз. Кўзлаган орзуларингиз ҳам рўёбга аста-аста чиқаверади, ғояларингизни ҳам амалда қўллаш фурсати келади. Маҳорат мактаби эса ўзимизни, имкониятларимизни синаб кўриш учун энг яхши имкониятдир.

**Камола ХОЛЛИЕВА,**
**ЎзМУ журналистика факультетининг иккинчи курс талабаси:**

— Мен ўз шаҳримни жуда-жуда яхши кўраман. Унинг кўчалари, боғлари, анҳорлари, гўзал бинолари мени ўзига мафтун этади. Буюк аждодимиз Мирзо Улуғбек номидаги университет мен учун қутлуғ ва қадрдон даргоҳ бўлиб қолган.

Журналистикани танлаганим ҳам ана шу боисдандир. Ҳис-туйғуларимни кўпчиликка улашиш ниятим устун келди. Албатта, тажрибали журналистлар каби ўз фикр-ўйларимни тўлиқ, чиройли ифода этиб беришга ҳали ожизман. Бунинг учун кўп ўрганишим, ўз устимда ишлашим керак. Лекин мени бир нарса бироз хавотирга солмоқда. Шу кунгача бир нечта мақолам чоп этилди, аммо аксариятида фикрларим гўё меники эмас, ўзгача мазмунда талқин этилган. Ҳар бир газета, хусусан, мени ўз қолипига солишга ҳаракат қилаётир. Билишимча, курсдошларим ҳам шундай фикрда. Биз, ёшлар, дунё гўзалликларини бошқалар нуқтаи назаридан кўра олмаймиз-ку! Наҳотки бу борада бироз чекинишнинг иложи бўлмаса?

Шунақа гаплар, бироқ бундай ҳолатлар шахсан мени ортга чекинтира олмайди. Журналист бўлишни истадимми, албатта бунга эришаман.

**Миржамол ҲОТАМОВ,**
**ЎзМУ журналистика факультетининг иккинчи курс талабаси:**

— Шеърият, насрга қизиқаман. Шеър ўқишни яхши кўраман, ўзим ҳам баъзан шеър ёзиб тураман. Азим шаҳримга бир нечта тўртлик бахш этдим, аммо бу ҳақда ҳали ҳеч ким билмайди...

«Тошкент оқшоми»да ёш журналистларнинг ижодини кузатиб бораман. «Камолот» саҳифаси эътиборга лойиқ, аммо бир ойда бир марта чиқиши боис биз, ёшларнинг қизиқишларимиз, интилишларимизни, яъни бизнинг дунёмизни тўлиқ акс эттира олмаяпти, менимча.

«Оқшом» кундалик газета. Бундай имкониятдан келиб чиққан ҳолда, бу туркумдаги мақолаларни янги саҳифалар очиб, бериб бориш мумкин. Масалан, «Ёшлар гулшани» номи остида нафақат ахборотлар, балки кўплаб лавҳалар, ҳаттоки кичик ҳажмдаги шеърлар, ҳикоялар ҳам босилса, мавзу янада кенгрок ёритилган бўлар эди. Ўшанда менинг ҳам илк шеърларимга жой ажратилади, деган умидим ҳам бор...

**Анастасия ПРОНИНА,**
**ЎзЖТУ халқаро журналистика факультетининг иккинчи курс талабаси:**

— Ёшлигимдан ўта ҳиссиётли инсонман. Ҳамма нарсага қизиқувчанман. Шунинг ўзи нима учун журналистикани танлаганимга жавоб бўлиши мумкин. Аслида бу соҳани танлашимга онам йўналтирдилар. Болалигимда телекўрсатувларни оилавий томоша қилар эдик. Тасвирлар қора-оқ бўлгани боис онам ҳар бирини ранг-баранг тус бериб тушунтирар эдилар. Вақти келиб, «Буни қандай уддалайсиз?», деб сўраганимда, онамнинг жавоблари оддий бўлди: инсон ҳаётда бироз ёркин хаёлларга ҳам ўрин бериб, ажойиб-ғаройиб истаклар билан яшаса, гўзаллик нималигини тушуниб етади.

Албатта, журналистика мен учун фантазия, хаёлпарастлик эмас. Лекин кимлардир тушуна олмаган ёки тушунишни истамаган нарсаларни ана шундай тасвирлар орқали етказиш имконияти бор-ку.

Газета чоп этилаётган дастгоҳларни кузатиб, ҳайратимни яшира олмадим. Назаримда, болаликдаги орзуларим, ўша хаёлимдаги нарсаларни кўргандай бўлдим. Шунда бир фикр келдики, агарда мактаб давриданоқ ёшларни мана шундай жараёнлар билан бевосита таништириб борилса, бўлажак касбини тўғри танлашларига туртки бўлар эди. Уларнинг ҳам бироз хаёлий, пушти рангдаги орзулари тезроқ рўёбга чиқар эди...

**Назрулла ҲАМРОЕВ,**
**«Шарқ» НМАК газета босмахонаси бошлиғи ўринбосари:**

— Ёшлар билан учрашув ҳар доим кайфиятни кўтаради, гўё ўзинг болаликка, ёшликка қайтгандек бўласан. Бўлажак журналистларга газетани тайёрлаш жараёнида таҳририят ва босмахона ўртасидаги узлуксиз алоқаларни тушунтириш пайтида ёшларимиз матбаа-ноширлик соҳасининг нозик томонларига ҳам катта қизиқиш билан эътибор бераётганлари мени, очиғи, ҳайратлантирди. Бунга алоҳида урғу бераётганимнинг сабаби шундаки, баъзи журналистлар, ҳаттоки тажрибалилари ҳам, газетани босмахонада чоп этиш жараёнидан тўлиқ воқиф эмас, бунга қизиқиб ҳам кўрмайдилар. Бу уларга керакми деган савол эса менимча ўринсиз...

Шу ўринда мутахассис сифатида бир фикр билдирмоқчиман. Айнан журналистика факультетларида матбаа-ноширчилик, фото ва видеолавҳа ишлари назарияси ва амалиётига кўпроқ вақт ажратилса, фойдадан холи бўлмайди. Тўғри, бу йўналишларда, масалан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, санъат институтида, матбаачилик коллежида ҳам чуқур билим берилади, аммо журналист деганда, аввaламбор ўз соҳасининг, оммавий ахборот воситаларига оид ҳамма нарсанинг ипидан игнасигача билимдони деб тушунилади...

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**СУРАТЛАРДА: бўлғуси ёш журналистлар билан учрашувдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

***ТАҲРИРИЯТДАН.*** *Авлодлар алмашуви муқаррар ва бу табиий жараён ҳар бир соҳага ҳам тааллуқлидир.*

*«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари азим пойтахтимизнинг 2200 йиллик тарихида алоҳида ўринга эга. Нафақат шаҳримиз, балки бутун республикамиз учун оғир бир дамларда – 1966 йилда апрель зилзиласи рўй берган даврда ташкил топган бўлиб, ўз саҳифаларида матонатли, бардошли ўзбек халқи қайғуга эрк бермасдан, ҳаракат қилгани, бунёдкорлик, яратувчанлик сари бутун вужуди билан шаҳарни қайта тиклашга киришган инсонлар ҳақида деярли бетўхтов - ҳафтада олти марта чоп этилиб, сўзлаган ва кўпчиликни фақат олдинга — қийин марраларни енгиб ўтишга чорлаб турган десак, хато бўлмайди.*

*Дарҳақиқат, авлодлар алмашинуви газетага ҳам тааллуқли. Ҳар бир газета эртанги кун билан яшашни, келажакка интилиб, замон билан ҳамнафас ғояларни акс эттиришни истаса, биринчи навбатда ўзининг ҳам эртанги тарихини ким ёзади деган ният, мақсадни ҳам олдига қўйиши шарт.*

*Бу ҳақда давра суҳбати давомида кўп яхши фикрлар билдирилди. Ёшларимизнинг таклифларидан келиб чиққан ҳолда, «Оқшом» таҳририяти ва Ўзбекистон Миллий ҳамда Жаҳон тиллари университетлари ўртасида ўзаро ҳамкорликда маҳорат мактабини ташкил этиш хусусида шартнома имзоланди. Буни ҳамкорлик муносабатларимиз янада ёркин ифода топиши, эндиликда таҳририятга талабалар, ёш қаламкашлар фақат амалиёт ўташ учун эмас, балки келажакда «Оқшом»нинг ҳақиқий издошлари, давомчилари бўлишларига интилиш йўлида қилинган хайрли иш дейиш мумкин.*

# СИРЛИ ОЛАМ

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Итлар инсоннинг дўсти ҳисобланади. Улар юрак касаллигига чалинганларга ёрдам бериш хусусиятига эга экан. Бу ҳақда Калифорния университети тадқиқотчилари хабар беришмоқда. Тадқиқотда 76 та юрак касаллигига чалинган беморлар иштирок этишган. Уларнинг ўртача ёши 57 да бўлган. Тадқиқотчилар касалларни икки гуруҳга ажратишган. Биринчи гуруҳдаги кўнгилли беморлар ит билан сайрга чиқишган. Иккинчи гуруҳдаги беморлар эса сайрга чиқмай, хонада ўтиришган, шу билан бирга уларни ҳеч ким зиёрат ҳам қилмаган. Тадқиқотчилар беморлар организмининг сайрдан олдинги ва кейинги физиологик ҳолатини кузатишган.

Кўнгилли беморлар ит билан қилган сайрлари натижасида юрак безовталиги 24 фоизга, ҳеч ким зиёрат қилмаган беморларда эса 10 фоизга пасайган. Итлар келганидан сўнг беморларда асабийлашиш вақтида юзага келадиган адреналин миқдори 17 фоизга, қон босим 10 фоизга пасайган.

«Бунинг ажабланарли жойи йўқ, деб ўйлайман. Чунки жониворларни севувчи беморларга бундай учрашув ҳузурбахш онларни тақдим этган. Беморлар жониворларни силаганда ҳаёт ташвишларини унутишади. Андуҳлар ортга чекинса, турли касалликлар йўқолади», дейди Кэти Коул.

● Кўча-кўйда турли русумдаги автомобилларни кўриб кўзимиз қувнайди. Аммо машиналар тирбандлиги асабга тегади. Айниқса, шошилиб турганда, ишга кеч қолаётганда асаббузарлик ортади.

Германиялик шифокорлар бундай ҳолат нафақат кайфиятга, балкуи юрак тизимига ҳам таъсир қилиши ҳақида огоҳлантиришмоқда. Улар Германия шифохоналарида миокард инфаркти касаллигига чалинган 600 га яқин беморларни кузатишган. Аниқланишича, ҳар ўн иккинчи ҳолатдаги миокард инфарктига чалиниш сабаби — транспорт тиқилинчи экан.

Автомобилларнинг тирбандлиги кучли стрессга сабаб бўлади. Ҳайдовчи бундай тиқилинчдан тезроқ чиқиб кетишга ҳаракат қилиб, машинасининг аҳволи ва йўқотилаётган вақти учун сиқилади. Яна транспортлардан чиқаётган турли ҳид, чанглар ҳар кимнинг асабига тегади. Бунинг оқибатида ёшга қарамасдан инфарктга чалиниш кенг тус олмоқда. Буларни инобатга олган ҳолда бепарворoқ бўлишга ҳаракат қилинг. Ахир тиқилинчдан қутулиб чиқиб кетасиз, лекин унинг ортидан келадиган касаллик ўзи ҳақида эслатиб туради.

● Чиройли безатилган таом ёки ичимлик иштаҳани очиши сир эмас. Австралияда ресторанлар соҳиблари бир финжон қаҳвани санъат асари даражасига кўтаришди...

Қаҳва тайёрловчи усталар ичимликнинг устида турли нақшлар: гуллар, жониворлар, юракчалар, аёл қомати каби шаклларни чиза бошлашди. Бу санъат асарлари кўп вақт сақланмасада, унга бўлган талаб ортмоқда. Шу туфайли бир финжон қаҳванинг нархи ҳам ошяпти.

● Германиялик ва Янги зеландиялик олимлар Атлантика океани тубида Ер сайёрасидаги энг иссиқ сувни топишди...

● Гидротермал булоқ сувининг ҳарорати цельсий бўйича 407 даража. У отилиб чиқаётганида иссиқлиги 464 даражага кўтарилади. Тадқиқотчилар тахминига кўра, сувнинг бу қадар исиб кетишига сабаб босимнинг жуда юқорилиги. Бу ерда, яъни сув остида магма (Ер қаъридаги чўғсимон суюқ модда) мавжуд. Ташқарига отилаётган сув ўзи билан олтин, мис, темир, олтингугурт ва марганецни олиб чиқади.

● Энди истаган одам бор-йўғи 60000 АҚШ долларига LEGO конструктори қисмларидан ўзининг ҳайкалини ясаттириши мумкин...

Ўзларини камтар деб билганлар дунёнинг ҳар қайси меъморий асарини ясаб беришларига буюртма бериши мумкин.

Асл қиёфасидан 30 баробар кичик бўлган, ЮНЕСКО хазинасига киритилган жаҳоннинг машҳур меъморий жавоҳирларининг нусхалари «Дунёнинг бир парчаси. LEGO қисмлардан ясалган ЮНЕСКО хазинаси» деб ном олган кўргазмага қўйилади.

● Баъзида автоҳалокат юз берганида ким ҳақу, ким ноҳақ, билиш қийин. Ҳайдовчилар айбни бир-бирига ағдаришга уринишади. «Car Chip Pro» эса ҳақиқий айбдорни топишга ёрдам беради. У автомобилнинг диагностик портига (хорижда ишлаб чиқарилган автомобилларда 1996 йилдан сўнг пайдо бўла бошлади) ўрнатилгач, автоматик тарзда автомобилнинг йўналиши, саёҳат санаси ва давомийлиги, тезлиги, ишлатилган ёқилғи миқдори, двигатель ишининг 23 параметри ҳақидаги маълумотни хотирасида сақлай бошлайди. Бундан ташқари, у хавфли вазиятлар ҳақида (тўсатдан тезликнинг ошиши ёки машинанинг тўхташини) қайд қилиб боради. Автоҳалокат рўй берган тақдирда мослама урилишдан 20 сония олдинги суратни эслаб қолади. Маълумотларнинг барчасини USB порти орқали компьютерга ўтказиш мумкин. Шунда сиз тахминан сўнгги 300 соат ичида ҳайдовчи рулда нималар қилганини билиб оласиз.

● Жанубий Корея пойтахтидан 35 километр узоқликда 2011 йилда қурилиши битказилажак Квангё шаҳрининг ҳар бир фуқароси ўзини ўрмон яшовчисидек ҳис қилса, ажабмас...

Чунки бу ердаги жами 77 минг кишига мўлжалланган уйлар баланд ям-яшил ўтли тепаликларга ўхшаган бўлади. Бинолар девори ва томи ўсимликлар билан қопланади. Бунинг шаҳар экологиясига ижобий таъсир кўрсатиши кузатиляпти. Баланд миноралардаги атриумларда савдо марказлари, дам олиш заллари, музейлар жойлашади. Минорадаги бундай «тешиклар» ёруғлик ва шамолдан (ҳаво алмашуви учун) самарали фойдаланишга хизмат қилади. Анъанавий осма боғлардан фарқли ўлароқ, «вертикал боғда» экинлар деворларнинг ўзига экилади. Бу тарзда ўсимликларни ўстириш бироз мушкул. Уларни суғориш ва ўғитлаш мақсадида девор орасидан найчалар ўтказилган. Улардан вақти-вақти билан махсус ўғит-суюқлик сизиб чиқади. Лойиҳа муаллифлари табиатга бу қадар яқин бўлишни истаганлар кўпчиликни ташкил этишига ишонишади.

● Дунёда ҳиндистонликлардан ашаддийроқ ишқибозлар бўлмаса керак. Улар бир қўзғалса, тинчитиш қийин. Шунинг учун Мадрасда ўтказиладиган футбол баҳслари давомида майдонга полиция ўрнига махсус ўргатилган филлар туширилади. Ишқибозлар норозилиги бошланган заҳоти фил хакамни хартумида кўтариб, хавфсиз жойга олиб ўтади.

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

### МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

**Паст сифатлардин тамоман пок бўл,**
**Сўнгра ол кафтингга елни, хок бўл.**

* * *

**Сен биларсенму, яшар шу тан аро**
**Не қароликларки, чун гулхан аро.**

* * *

**Жон беракан пири дононинг бири,**
**Деди: билсайдим агарда илгари**

**Сўзламоқдин тингламоқ афзал эрур,**
**Сўзламасдим, зоеъ этмасдим умр...**

**Ложарам олтинга тенгдир яхши сўз,**
**Айтмаган сўз эрса олтиндан азиз.**

* * *

**Ўзгаларнинг нони эрмас менга хуш,**
**Менга бас ноним била шу нонхуруш.**

* * *

**Соя истар баски офтобдин висол,**
**Лек етишмоқ унга савдойи маҳол.**

**Гар маҳолдир, лек урингайдир фақат,**
**Ўзни ул офтобга ургайдир фақат.**

### АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ

**Тақдири азални ўзгартириб бўлмайди, ўз мақомидан ўзиб кетиш мумкин эмас.**

* * *

**Билим ва бойликка эга бўлиш одамнинг саъю ҳаракатига боғлиқ: одам қанча кўп ғайрат қилса, билими ва мол-мулки шунча ортади. Яхшилик ёки ёмонлик қилиш, кам ейиш ёки кўп ейиш — инсон ихтиёридаги иш ва у қанча меҳнат ва куч сарфласа, шунча кўп топади.**

* * *

**Инсоннинг вазифаси — узлуксиз маърифатга интилиш ва нур билан тўлдириш ва илм топиб, мусаффолик сари интилишдир.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

*Ёшлар — келажагимиз*

# НИЯТЛАРИНГ ЙЎЛДОШИНГ БЎЛСИН, ҲАСАН

***Мустақиллик бизга эртамиз давомчилари бўлмиш ёшларимизнинг ҳар томонлама камол топиб юртимизнинг буюк келажаги яратувчилари бўлиб етишишлари учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Замонавий анжомлар билан жиҳозланган мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари, спорт мажмуаларида яратилган шароитларни кўриб кишининг кўзи қувнайди.***



Юнусобод туманидаги 43-мактабнинг 6-синфида таҳсил олаётган Ҳасан Саидовни ҳам мустақиллик меваларидан баҳраманд бўлиб, ўз олдига қўйган мақсадлари йўлида олға интилиб келаётган ёшларимиз қаторига киритишимиз мумкин. Жуда ёшлигиданоқ спортга қизиққан Ҳасан мактабда аъло баҳоларга ўқиши билан бирга беш йилдан буён спорт сирларини ўрганиб яхши натижаларни кўрсатиб келмоқда. Тиришқоқ болакай дастлаб бир йил сузишга қатнашди, яна бир йил катта теннисдан сабоқ олди. Уч йилдан буён бир вақтнинг ўзида ёзги биатлон ва енгил атлетика бўйича маҳоратини ошириб, мусобақаларда қатнашиб келмоқда. Бунда Республика Олимпия заҳиралари коллежида мураббий Владимир Вячеславович Смирнов етакчилигида қисқа ва ўрта масофаларга югуриш бўйича турнирдан турнирга ўсиб бораётган бўлса, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Юнусобод туман бўлимида ёзги биатлон сирларини ўрганиб, борган сари яхши натижаларни кўрсатиб келмоқда.

Интилганга толе ёр дейдилар. Иқтидорли ўсмирнинг ўз олдига қўйган улкан мақсадлари йўлидаги саъй-ҳаракатлари беиз кетмаяпти. Ҳасан Саидовнинг фақат сўнгги натижаларига кўз ташласак бунинг гувоҳи бўламиз. Чунончи, енгил атлетика бўйича 2009 йилги қишки Ўзбекистон чемпионатида 1996-1997 йилда туғилган болалар ўртасида мусобақаларда 200, 600 ва 1000 метрга югуриш баҳсларида қатнашиб, биттадан олтин, кумуш ва бронза нишонларини қўлга киритди.

Ёзги биатлон бўйича ҳам шаҳар ва пойтахт вилояти биринчиликларида икки бор иккинчи совринли ўриннинг соҳиби бўлган. Куни кеча Чирчиқ шаҳрида якунланган ёзги биатлон бўйича Ўзбекистон Кубоги турнирида 21 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида иштирок этди. Бунда 45 спортчи орасида спринт мусобақаларида ўн биринчи, пасют турида эса ўн иккинчи ўринни эгаллади. 13 ёшли ўсмир учун бу анчайин юқори натижалар, албатта.

Ҳозирда Ҳасан Саидов ёзги биатлондек истиқболли спорт тури бўйича Ўзбекистон терма жамоаси таркибидан ўрин олиш арафасида турибди.

Биз билан суҳбатда пойтахт терма жамоаси мураббийси, Ҳ.Саидовга меҳр билан енгил атлетика сирларини ўргатиб келаётган Виктория Юрьевна Русанова ҳам ғалаба сари интилувчан ўсмирнинг келажаги порлоқ эканлиги хусусида илиқ фикрларни билдирди.

— Юртимиз спортчиларининг нуфузли халқаро мусобақалардаги улкан ютуқларидан руҳланган ҳолда менинг ҳам ниятим келажакда қитъа ва жаҳон чемпионатлари каби мусобақаларда мамлакатимиз байроғининг баланд кўтарилишига эришишдир, — дейди биз билан суҳбатда Ҳасан Саидов. — Режага кўра ёзги биатлон 2012 ёки 2016 йилги олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олиши керак. Олимпиадаларда ҳар иккала спорт тури бўйича юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш ниятим бор. Асосий орзуим эса келгусида учувчи бўлиш. Шу сабабдан инглиз тили, математика ва компьютерни чуқур ўрганяпман.

Биз ҳам ниятларинг йўлдошинг бўлсин, Ҳасанжон, дея тилак билдириб қоламиз. Мана шундай тиришқоқ, ўз мақсадлари йўлида интилувчан ёшларимиз кўпаяверсин.

**Толибхон СУЛТОНХОНОВ**

**СУРАТДА: иқтидорли ёш спортчи Ҳасан Саидов**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

***ЯҚИНДА МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ВА МИСР МАДАНИЯТ МАРКАЗИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ГЎЗАЛ БОҒЛАРИ, САЙИЛГОҲЛАРИ, КОНЦЕРТ ЗАЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ВА ИНСТИТУТЛАРДА МИСР МАДАНИЯТИ ҲАФТАЛИГИ ЎТКАЗИЛДИ.***

*Санъат*

# ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

Давлатимиз мустақилликка эришгач Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий ва маърифий алоқалар янада мустаҳкамланди. Мисрнинг илк тамаддун ўчоғи эканлиги, тасвирий, амалий санъат, маданият, шаҳарсозлик, ҳунармандчилик илк бор Мисрда ривожлангани тарихдан барчамизга маълум. Миср маданият ҳафталигининг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг Миср халқининг кўп асрлик маданияти ва санъатига бўлган эътибори ва ҳурматини ифодалайди.

Ўзбекистондаги Миср элчихонаси 1992 йилда, Миср Маданият маркази 1996 йилда ташкил этилиб, шу йиллар мобайнида икки давлат ҳамкорлигида кўплаб маданий, маърифий анжуманлар, тадбирлар бўлиб ўтди. Ўзбекистонда беш марта Миср маданияти кунлари ўтказилди. Бугунги кунда ўзбекистонлик иқтидорли ёшларнинг кўпчилиги Мисрнинг Қоҳира, Айнушшамсий университетларида таҳсил олиб қайтмоқдалар.

Шаҳримизда ташкил этилган Миср маданияти кунларида асосан Миср халқининг ҳунармандчилик ва фольклор, мусиқа санъати намуналари намойиш этилди. Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтган концертда ўзбекистонлик талабалар ва Мисрдан ташриф буюрган Саид ал-Мағрибий раҳбарлигидаги фольклор ансамбли Миср фольклор куйлари, қўшиқлари ва рақсларини ижро этди.

Концертнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори — Дилдора Муродова: «Санъат тил, миллат танламайди. Ҳақиқий санъат ҳаммага тушунарли бўлади. Миср халқи ҳам ўзининг ажойиб фольклор мусиқасига эга. Миллий чолғуларнинг сеҳрли садолари, завқли қўшиқлар, шўх рақслар барчамизни мафтун қилади. Миср ва ўзбек халқи фольклори бир-биридан фарқ қилар, аммо икки халқ мусиқасида куйланаётган меҳр-муҳаббат, дўстлик, ватансеварлик халқларимизни янада яқинлаштиради» дея эътироф этди. Миср маданияти маркази директори доктор Аҳмад Ражаб ўз табригида халқимизни қадимий ва гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан муборакбод этиб, Миср ва Ўзбекистоннинг маданий-маърифий алоқалари кўп асрлик тарихга эга эканлигини, бунда Буюк Ипак йўлининг аҳамияти катталигини таъкидлади.

Хулоса қилиб айтганда Миср Маданият кунларининг ташкил этилиши халқларимиз санъатининг улуғланишига, Юртбошимиз олға сурган «миллатлараро тотувлик ғояларининг амалга оширилишида мустаҳкам кўприк бўла олади десак асло янглишмаймиз.

**Насиба МАШАРИПОВА,**
**Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси**

*Камалак—2009*

# ҒОЛИБЛАР ШАҲАР БОСҚИЧИДА ҚАТНАШАДИ

***«Камолот» ЁИҲ Мирзо Улуғбек туман бўлими «Наврўз» жамғармаси ҳамда ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб «Камалак» — 2009» Миллий анъаналар ва замонавийлик» мавзусида тасвирий ва халқ амалий санъати туман фестиваль-танлови ўтказилди.***

Кўрик-танловда 10 та йўналиш бўйича 50 дан ортиқ тўгарак қатнашчилари ўзлари тайёрлаган ишлари билан қатнашдилар. Булардан ёғоч ўймакорлиги, Шарқ миниатюраси, миллий кашта, зардўзлик, қуроқ, графика, тасвирий санъат, гилам ва гобелен тўқиш йўналишларида тайёрланган ишларни ҳайъат аъзолари баҳолаб боришди. Фестивалда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган истеъдодли ёшлар орасидан қуйидагилар ғолиб деб топилди.

Графика йўналиши бўйича Зиёвуддин Ҳусниддинов, тасвирий санъат йўналиши бўйича Нигина Зарипова ҳамда Наргиза Жўраева, зардўзлик йўналиши бўйича Моҳичеҳра Шуҳатиллаева, кашта йўналиши бўйича Наргиза Саидова ва Дурдона Шодиева, гилам ва гобилен тўқиш йўналиши бўйича Шоҳсанам Жалилова ва Машҳура Шаматова, шарқ миниатюраси йўналиши бўйича Эъзоза Собирова ва бисер йўналиши бўйича Озода Исмоилова ғолиб деб топилдилар.

Ўз йўналиши бўйича биринчиликни қўлга киритган ўқувчилар танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олишди. Бундан ташқари ғолиблар «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши ва «Наврўз» жамғармаси томонидан ажратилган эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Миллий кўргазмадан сўнг йиғилганларга ажойиб концерт дастури намойиш этилди. 112-мактаб қошидаги «Ифор» ҳамда «Ровесник» гуруҳларининг мусиқали чиқишлари йиғилганлар кўнглидан жой олди.

**Малика ДОНИЕВА,**
**«Камолот» ЁИҲ Мирзо Улуғбек туман бўлими матбуот сардори**

# УЗОҚ УМР ВА ПАРҲЕЗ

Тиббиёт ходимлари аллақачон ҳар бир инсон ўзининг такрорланмас овқатланиш кодига эга деган фикрга келганлар. Ҳар биримиз табиат томонидан фақат маълум маҳсулотларни истеъмол қилишга «дастурлаштирилганмиз», кодга киритилмаган барча бошқа маҳсулотлар эса бундай ҳолларда аста таъсир кўрсатадиган заҳарга айланади. Агар олимлар ҳар бир инсоннинг кодини топишга эришиб ва у қанча миқдорда овқат истеъмол қилиши, нималардан воз кечиши кераклигини айтиб бера олганларида эди, инсонлар барҳаётликка эришган бўлардилар, деб ишонтирадилар шифокор-олимлар. Шу боис, бу борада айрим илмий изланишлар олиб бормоқдалар ва шу йўналишда биринчи қадамлар қўйилмоқда. Мисол учун бугунги кундаёқ деярли ҳар бир инсон истаган клиникада овқат ҳазм қила олмасликка анализ топшириши мумкин. Овқатни ҳазм қила олмаслик умуман белгиларсиз бўлади. Инсон ҳар куни истеъмол қилишни яхши кўрадиган маҳсулоти унинг сурункали касалликларининг сабаби эканлигини, организм имкониятларини пасайтириб ва эрта қаришига олиб келиши тўғрисида ўйламайди, ҳам.

Ниҳоят инсоннинг барҳаёт умр кечиришига халақит қилувчи охирги, энг хавфли омил, бу унинг гормонал ҳолатидир. Ёши улғайган сари организмда содир бўладиган жараёнларнинг барчаси секинлашади, гормонлар ишлаб чиқарилиши камаяди. Агар баъзи илмий назарияларга ишонадиган бўлсак, гормонлар бу ҳаёт манбаидан бошқа нарса эмас.

Шу сабабли кўпчилик қаришга қарши клиникаларда гормонотерапия усулларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Шифокорлар агар инсон организмига сунъий равишда, синтетик гормонлар киритилса, қариш жараёни секинлашади ёки умуман тўхташи ҳам мумкин деб ҳисоблайдилар. Лекин афсуски, ҳозирча инсонга барҳаётлик бағишлаш учун мана шу гормонларнинг қанча миқдорини организмга киритиш кераклиги аниқланилишига эришилгани йўқ.

Тузлар ва оғир металларнинг тўпланиши қариш ва ўлимнинг яна бир сабаби ҳисобланади. Уларнинг кўп қисмини организмимизга ўзимиз киритамиз. Мисол учун, чекувчилар ҳар куни кадмий каби зарарли элементни истеъмол қиладилар. Айрим одамларда истеъмол қилишни яхши кўрадиган таомлари сабабли одатда, уларнинг организмларида симоб кўп бўлади (ахир денгиз сувида ва денгиз маҳсулотларида ушбу металл жуда кўп миқдорда бўлади-да).

— Агар зарарли одатларни ташласак ва соғлом овқатланишга ўтсак ҳам организмимизга оғир металлар тушишидан ўзимизни тўла сақлай олмаймиз – дея таъкидлайди шифокор-диетологлар. Охирги 50 йиллар давомида экология жуда ёмонлашган ва ҳар бир олган нафасимизда ёки бир қултум сув ичганимизда ҳам маълум миқдорда зарарли металлар организмимизга тушмаслигининг иложи йўқ. Бу ҳолат билан фақатгина бир усул — металлар тўпланишига йўл қўймай курашиш мумкин. Яъни оғир металларни боғлаб ва уларни организмимиздан чиқарадиган дори воситалари (препарат)ни доим қабул қилиш керак.

Организмдан металларни чиқаришнинг энг оддий ва самарали воситаси пўстлоғи билан қайнатилган картошка ҳисобланади. Унинг таркибидаги крахмал ҳазм бўлмайди, балки ошқозонда ўзига хос тўр ҳосил қилади. Мана шу тўрга нитратлардан тортиб, то канцерогенларгача бўлган турли зарарли бирикмалар молекулалари илинади.

Лавлаги ҳам жуда яхши хусусиятларга эга, унинг таркибида махсус моддалар бўлиб, мазкур моддалар оғир металлар билан боғланиб, уларни организмдан тезда чиқариб ташлайди. Булардан ташқари, лавлаги бактерияларга қарши фаолликка эга. Яъни у организмимизга тушадиган хавфли микроблар ишлаб чиқарадиган токсинларни зарарсизлантиради.

Аммо картошка ва лавлаги билан ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Охирги пайтларда кўпчилик шифокорлар томонидан деярли барча касалликлар ҳамда организмнинг эрта қаришининг сабаби нотўғри овқатланиш эканлиги тўғрисида кўп фикр билдирилмоқда.

**Аброр АЪЗАМОВ,**
**тайёрлаган**



«Ўзбек Давлат цирки республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки»

Ҳурматли томошабинлар!

2009 йил 11 апрелдан

бошлаб Тошкент циркида африкалик цирк усталари «ТАНЗАНИЯ МАФТУН ЭТАДИ» қизиқарли дастурини намойиш этишади.

Томошалар: шанба кунлари соат 15.00 да ва якшанба кунлари соат 12.00 ва 15.00 да бошланади.

Маълумотлар учун телефонлар: 244-35-91, 244-35-92, 244-32-23.

Тошкент шаҳри, Яккасарой туманидаги «Бадиий безак» хусусий фирмаси ўз номини «Моҳир қурилиш-монтаж-савдо». «Mohir-qurilish-montaj-savdo» масъулияти чекланган жамияти қилиб ўзгартираётгани ҳақида маълум қилади. «Бадиий безак», «BADIIY BEZAK» хусусий фирмасига нисбатан даъволар бир ой ичида кўриб чиқилади. Тел: 255-38-01.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

1.2009 йил 26 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 29.04.2008 йилдаги 1-153/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот маркази омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. I. «ГАЗ-24» русумли, д/р 30G 691 бўлган. 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 310 000 сўм. 2.«ГАЗ 2401» русумли, д/р 11U0438 и/ч санаси номаълум бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 310 000 сўм. 3.«ГАЗ-2417» русумли, д/р 10T4129 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 310 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. МФО: 01036, ИНН: 200933850, х/р 20210000300571452114. Манзил: Тошкент ш, С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3824 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 306

2 5 6

Топширилган вақти: 13.58